



ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ УЗВИЙЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА - ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ РОЛИ ВА АХАМИЯТИ

Мовлонов Бахромали Қодирович

Фарғона Давлат Университети

«Ҳуқуқ таълими» кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15478292>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-May 2025 yil

Ma'qullandi: 15-May 2025 yil

Nashr qilindi: 21-May 2025 yil

KEY WORDS

Ҳуқуқи таълим, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият, шахс, ҳуқуқ ва эркинликлар, ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий ташвиқот, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти, баркамол авлод

ABSTRACT

Мақолада, ҳуқуқий таълим ва тарбияни узвийлигини таъминлашда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни роли ўрни ва аҳамиятини, ундаги мавжуд шартли камчиликларни, ҳуқуқий тарбия ва уни амалга ошириш шакллари ва тизими билан боғлиқ масалалар ёритилган.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шартларидан бири шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминлаш ва ҳар бир инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалий кафолатлари тизимини яратилганлигидир. Ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва жамият тараққиётининг ривожини, ўсиб келаётган авлоднинг таълим даражасининг, ҳуқуқий саводхонлигининг юқорилигига бевосита боғлиқдир. Ҳуқуқий демократик давлатнинг энг муҳим белгилари бўлган қонун устуворлигини таъминлаш ва юксак даражадаги ҳуқуқий онг ва маданиятга эга бўлган баркамол авлодни тарбиялаш – бу ислохотларнинг ўзагини ташкил этмоқда. Ўзбекистон Республикасида ёшлар манфаатларини кўзлаган ҳолда амалга оширилаётган бу борадаги савобли ишлар ўз натижасини бериши учун юксак маънавият ва маърифатга эга бўлиш, тарихга нисбатан дахлдорлик ҳиссини сезиш ва албатта конституцион бурчини бажаришдек юксак масъулият талаб қилинади.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳуқуқ ва бурчларини ҳамда масъулиятини пухта билиши, буни ҳаётини эҳтиёж сифатида англамоғи лозим.

Президентимиз Ш.Мирзиёев мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг мазмун-моҳиятига – Янги Ўзбекистон стратегияси китобида тўхталар экан: - Кейинги йилларда жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган ва тадрижий тарзда амалга оширилган ижтимоий-сиёсий янгиланишлар натижасида халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ўзгариши билан бирга, бошқарув маъмурулари ва мулозимларининг иш услублари, фаолият йўналишлари ҳам янгича сифат ва замонавий мазмун касб эта бошлади, деб алоҳида таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони қабул қилиниб, унда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифалари сифатида аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмуни ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгида «Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!» деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш, ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш белгилаб берилди.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришда истиқлол туфайли қарор топган янги ҳуқуқий тафаккур ва халқимизнинг юксак маънавий салоҳияти янгиланган Конституциямизда мафкуравий пойдевор сифатида ўз ифодасини топди. Конституциямиз, бир томондан, ижтимоий ҳуқуқий онгнинг юксак ифодаси бўлмиш ҳуқуқий тизимнинг, ҳуқуқий мафкура ва маданиятнинг бевосита маҳсули сифатида вужудга келди, иккинчи томондан эса, аҳолининг ҳуқуқий онги, янги тафаккури ва маданиятини шакллантириш, уларни ижобий йўналтириш ҳамда юксалтиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масаласига жиддий эътибор қаратилган. Чунончи, унинг 50-моддасида ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эгалиги, давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлаши, давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши, бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлаши, умумий ўрта таълимнинг мажбурийлиги, мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратида эканлиги, 51-моддада фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақлилиги, 52-моддада эса, Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилиши мустаҳкамланди.

Ўзбекистон мустақил бўлганидан то шу кунгача жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласида қанча бонг урмайлик, ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солмайлик, бугунги кунда аҳолида қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан мурасасизлик ҳиссини уйғотиш ишига етарли даражада, комплекс ёндашиляпти, деб айта олмаимиз. Шахсий манфаатлар ва жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш ишлари талаб даражада, етарли эмаслиги – қонун устуворлигини таъминлашга салбий таъсир этмоқда. Сўнгги вақтларда республикаимизнинг турли ҳудудларида баъзан мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилишига оид ҳолатлар ҳақида глобал ахборот тармоғида мақолалар

берилаётганлиги кузатилади. Бу салбий ҳолатларнинг асл сабаби фуқароларда ҳуқуқий билим етишмаслигига бориб тақалади. Бундан ташқари, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ёшлар қатлами билан олиб борилаётган ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар ҳам тизимли ва узвий олиб борилмаётганлигидан далолат. Бу масала хали-хунуз, узоқ йиллар давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва таълим муассасаларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти институтларининг иштироки етарлича таъминланмаган. Очиғини айтганда, тарғибот тадбирларида кўпинча самарасиз семинар, давра суҳбатлари ва шу каби учрашувларни ташкил этиш билан чекланиб қолинмоқда, тарғибот жараёнида инновацион усуллардан етарлича фойдаланилмаётгани аён бўлмоқда. Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмаяпти. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг тўлиқ ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив ҳужжатларга нисбатан ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эга. Айни шу мезонлардан келиб чиқиб, фуқаролар онгида - Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш — демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир! деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш, аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмун-моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш бирламчи асосий вазифаларимиздан бири бўлмоғи лозим. Дарҳақиқат, ҳуқуқ асосларини, Конституция ва қонунлар мазмун-моҳиятини, янги қонуний ҳужжатлар, ҳуқуқий меъёрларни кишиларнинг, биринчи навбатда, ёшларнинг онги, қалбига сингдиришда ҳеч бир нарса ўз аҳамиятига кўра ҳуқуқий тарбияга тенглаша олмайди.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда кундалик турмушда кўп учрайдиган масалаларнинг ҳуқуқий ечимлари ва янги қабул қилинган қонун ҳужжатларининг моҳиятини тарғиб қилиш, шунингдек, ҳуқуқий маълумотларни етказишга қаратилган флаер, буклет ва бошқа тарқатма материалларни оилаларга бепул тарқатиш, ёшлар ва ота-оналар ўртасида никоҳ ёши, алимент тўлаш шартлари, қариндошлар ўртасидаги никоҳ ва унинг ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида мунтазам равишда ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ўтказиш, маҳаллаларда аҳоли орасидаги турли муаммоли масалалар, хусусан, миграция, моддий ёрдам, ер олиш, уй-жой олиш, коммунал масалалар, имтиёзлар, алимент, ишга жойлашиш, таълим олиш ва бошқалар бўйича ҳуқуқий ахборотни буклет, флаер ва плакатлар шаклида аҳолига етказиш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролик низоларини кескин камайтириш ҳамда аҳолида, айниқса, тарбияси оғир бўлган фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини уйғотиш мақсадида судлар томонидан маҳаллаларда аҳоли билан очиқ мулоқотларни тизимли равишда ташкил қилиш ва сайёр суд мажлислари ўтказиш кўламини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Қайд этилган мулоҳазалар ҳуқуқий тарбиянинг яхлит тизими таъкидланганидек, қуйидаги қисмлардан иборатлигини кўрсатади:

1. Ҳуқуқий тарбия субъектлари: (давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари аъзолари, мансабдор шахслар ва раҳбарлар);

2. Ҳуқуқий тарбия мазмуни: (ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий ташвиқот)

3. Ҳуқуқий тарбия шакллари (маъруза, семинар, давра суҳбатлари, викториналар, Оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар ва ҳ.к. лар)

4. Ҳуқуқий тарбия усуллари: (Ишонтириш, рағбатлантириш, мажбурлаш)

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва билимлар тарғиботини тубдан яхшилаш қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш, аҳолини қабул қилинаётган қонунларнинг мақсади, мазмун-моҳиятидан кенг хабардор этиб боришга йўналтирилган мақсадли чора тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз. Зеро, фақат эркин, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини биладиган, қонун ва амалдаги тартиб-қоидаларни ҳурмат қиладиган фуқаро ўз ҳуқуқларидан тўлалигича фойдалана олади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 - моддасида, - «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қиладиган ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.» дейилган.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назоратини таъминлаш борасидаги ролини кучайтириш, уларнинг давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан алоқасини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий мавзулар бўйича таълим берувчи педагог-ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича магистрлик ва докторлик диссертациялари тайёрлаш қўламини кенгайтириш, бунда оиладаги можаро ва зўравонликлар ҳамда уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий оқибатларини комплекс тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратиш долзарб вазифалар сирасига киради.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги муҳим йўналиш ва вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш биз, ҳуқуқшунос ва зиёлилардан масъулият ва фидойиликни талаб этади. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, - Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гаровидир

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т. 2023 й
2. Янги Ўзбекистон стратегияси Ш. Мирзиёев Т. 2021 й
3. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги ПФ-5618. Т.2019 й.
4. <https://www.uzembassy.uk/news/1166?language=uz>
5. Ҳуқуқий маданият назарияси А. Саидов. У. Таджиханов.